**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**
**Танлов комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ МваМТТД бошлиғи**

**А.А. Абиджанов**

“04” 11 2022 йил.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти томонидан моддий-товар бойликлари (хизматларни) сотиб олиш бўйича танлов комиссияси йиғилишининг**
**62 -сонли**

## Б А Ё Н Н О М А С И

“04” 11 2022 йил Ташкент ш.

**Қатнашдилар:**
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 17 мартдаги 55-сон фармойиши билан тасдикланган комиссия таркиби

| | |
|---|---|
| **Комиссия раиси:** | |
| **А.А.Абиджанов** | Ўзбекистон Республикаси ИИВ МваМТТД бошлиғи |
| **Комиссия аъзолари:** | |
| **Ш.О. Азим** | Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хўжалик бошқармаси бошлиғи; |
| **М.Е.Утебаев** | Ўзбекистон Республикаси ИИВ МваМТТД ИАваТ бўлими бошлиғи; |
| **Ш.Ш.Курбанов** | Ўзбекистон Республикаси ИИВ МИБ бошлиғининг ўринбосари; |
| **А.Д.Юлдашев** | Ўзбекистон Республикаси ИИВ КҚваТБ бош мутахассиси; |
| **Котиб:** | |
| **А.С.Лисин** | Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХБ катта инспектори. |

**КУН ТАРТИБИ:**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасарруфида бўлган Тошкент шахар, Яккасарой тумани, Ю.Х.Хожиб кўчаси 31а-уйда жойлашган Жамоат хавфсизлиги департамети биносини капитал таъмирлаш учун лойиха-смета ҳамда дизайн хужжатларини тайёрлаш буйича танлов савдоларини балл бериш усули орқали ғолиб корхонани аниқлаш.

Йиғилишни Танлов комиссияси раиси - Ўзбекистон Республикаси ИИВ М ва МТТД бошлиги А.А.Абиджанов олиб борди.

Кун тартибига қўйилган масала танлов комиссияси аъзолари томонидан муҳокама қилиниб бўлингандан сўнг, танлов комиссияси аъзоси Ш.О.Азим сўзга чиқиб, ИИВ тасарруфида бўлган Тошкент шахар, Яккасарой тумани, Ю.Х.Хожиб кўчаси 31а-уйда жойлашган Жамоат хавфсизлиги департамети биносини капитал таъмирлаш учун лойиха-смета ҳамда дизайн хужжатларини тайёрлаш буйича, Ўзбекистан Республикасининг 2021 йил 22 апрель кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни асосида uzex.tender веб-сайтига 2022 йил 23 сентябрь куни 159067-сонли лот рақами билан балл бериш орқали ғолибни аниқлаш бўйича эълон жойлаштирилганлиги юзасидан комиссия аъзоларига ахборот берди.

Шундан сунг, “Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талаблари бўйича “Order Max Project” МЧЖ, “D-Inex” МЧЖ, “Great Dizayn Project” МЧЖ,

“Evro-Vostok Story Proekt” МЧЖ ҳамда “Smart Design” МЧЖ ташкилотлари томонидан берилган таклифлар кўриб чиқилди ва ташкилотларга қўйилган талаблар фақат “Smart Design” МЧЖ (80 бал) корхонаси томонидан тўлиқ электрон тарзда кўрсатиб ўтилганлиги инобатта олиб, 2021 йил 22 апрелидаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонун талаблари асосида ўтказилган деб ҳисоблансин ҳамда ИИВ тасарруфида бўлган Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ю.Х.Хожиб кўчаси 31а-уйда жойлашган Жамоат хавфсизлиги департаменти биносини капитал таъмирлаш учун лойиха-смета ҳамда дизайн хужжатларини тайёрлаш буйича **“Smart Design” МЧЖ** ташкилоти ғолиб деб топилсин.

1. Ўрнатилган тартибда танлов голиби билан шартнома тузилсин.
2. Танлов савдолари ғолиби ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ МваМТТД ўртасида имзоланган шартнома ўрнатилган тартибда Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтказиш учун юборилсин.

**Ҳарид комиссияси арзоларининг имзолари:**

**Комиссия аьзолари:**

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хўжалик бошқармаси бошлиғи** | **Ш.О. Азим** |
| **Ўзбекистон Республикаси ИИВ МваМТТД ИАваТ бўлими бошлиғи** | **М.Е.Утебаев** |
| **Ўзбекистон Республикаси ИИВ МИБ бошлиғининг ўринбосари** | **Ш.Ш.Курбанов** |
| **Ўзбекистон Республикаси ИИВ КҚваТБ бош мутахассиси** | **А.Д.Юлдашев** |

**Котиб:**

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХБ катта инспектори** | **А.С.Лисин** |

# ШАРТНОМА № 20

**2022 йил "07" 11** **Тошкент ш.**

**МЧЖ «SMART DESIGN»** (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилувчи) номидан корхона раҳбари С.Х.Хамдамов бир тарафдан ҳамда «ИИВ МвоМТТР» (бундан буён матнда "Буюртмачи деб юритилувчи) номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи А.А.Абидкомов иккинчи тарафдан, ушбу шартномани (07.11.2022 й. куниги 20-сонга асосан қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1.ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартномага асосан "Бажарувчи" «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасарруфида бўлган Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Ю.Хос.Хожиб кўчаси 31а- уйда жойлашган Жамоат хавфсизлиги департаменти биносини капитал таъмирлаш учун лойиҳа – смета хужжатларини ва дизайинларини тайёрлаш» бўйича хизмат кўрсатиш мажбуриятини ўз зимасига олади, «Буюртмачи» эса кўрсатилган хизматларни қабул қилиб олади ва хизматлар учун тўловларни амалга оширади.

## 1.1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1.1 "Бажарувчи" Буюртмачининг топшириғи бўйича "Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасарруфида бўлган Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Ю.Хос.Хожиб кўчаси 31а- уйда жойлашган Жамоат хавфсизлиги департаменти биносини капитал таъмирлаш учун лойиҳа – смета хужжатларини ва дизайинларини" бўйича хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади.

1.2. "Буюртмачи" лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва ушбу шартноманинг 2-3-бандларида белгиланган тартибда ва миқдорда ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Хизматларни бажариш муддати – шартномага мувофиқ, хизматлар учун Бажарувчи хисобига 30% олдиндан тўлов ўтказилган кундан бошлаб 30 календар кунни ташкил этади.

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси 122 000 000 (бир юз йигирма икки миллион) сўм (ҚҚС билан) ни ташкил этади.

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни олади:

## 3. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) календар кун давомида шартноманинг 2.1. бандида назарда тутилган шартнома баҳосининг 30 фоизи 36 600 000 (уттиз олти миллион олти юз минг)миқдорида – олдиндан тўлов;

- шартнома бўйича узил – кесил ҳисоб-китоблар ишлар бажарилгандан сўнг, топшириш – қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддати ҳисобга олинган ҳолда, 15 кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.2. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ

4.1. "Буюртмачи" ушбу шартноманинг 1.1 – бандида назарда тутилган ишларга мухандис тайинлайди. Мухандис бажариладиган ишлар босқичларини келишади, "Бажарувчи" бажарилаётган ишлар хакида ахборот такдим килади. Мухандис Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Бажарувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.
4.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларининг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.
4.3. Мазкур шартнома тарафлар имзолаган вактдан бошлаб кучга киради ва тарафларнинг ушбу шартнома бўйича барча мажбуриятларини бажаргунларига қадар амалда бўлади.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. **Бажарувчининг мажбуриятлари:**

5.1.1. Танлов хужжатларидаги техник топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 1.3. бандида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;
5.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан келишиб олиш;
5.1.3. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;
5.1.4. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

5.2. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**

5.2.1. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;
5.2.2. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1- бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;
5.2.3. Бажарувчига лойиҳа ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш;
5.2.4. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.
6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.
6.3. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунида, бошқа қонун

хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортиладилар.

6.4. Мазкур шартномада назарда тутилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, хизматлар ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

6.5. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод килмайди.

6.6. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Бажарувчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

6.7. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни қоплайди.

6.8. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судда кўриб чиқилади.

## 8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган танлов хужжатларидаги техник топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга __3___ кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1.Тарафлар шартнома тузишда шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2.Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш харакатларини тан олади ва уларга риоя қилади.

9.3.Ҳар бир тараф шартнома тузилга пайтида, бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари мансабдор шахслари ва ходимлари томонодан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этмаганлигини, уларни беришга ваъда қилмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устамаликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошири ши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирмасликларини) кафолатлайди. Тарафлар улар тарафидан шартнома доирасида жавоб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларини содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4.Тарфлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайди.

9.5.Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларини бузилишига йўл қўйганлиги маълуб бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабар қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилилишини ва амалга оширилиш ишлар юзасидан унга хабардор қилиниши талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи томондан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чора кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга, хамда зарарни тўлалигича қоплаб беришни талаб қилишга хақли.Тарафлар шартнома тузишда шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

## 10. ШАРНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

10.1. Ушбу шартномани молия вазирлиги ғазначилиги руйхатидан утгандан сунг 31.12.2022 йилгача амал қилади.

## 11. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

11.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса, уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажарувчи томонидан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

11.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувчининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

11.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

11.4. Ушбу шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**12.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

| «ИСПОЛНИТЕЛЬ»<br>ООО «SMART DESIGN» | «ЗАКАЗЧИК» |
|---|---|
| Адрес: г. Ташкент, улица Истиклол 9 | O'zbekiston Respublikasi Ichki Ishlar Vazirligi<br>ShG'HV: 4010 1086 0262 8770 3110 1179 005 |
| Телефон: 91 465-02-20; 93 404-11-64 | INN: 200 637 696 OKONX: 97300 |
| р/с 2020 8000 3005 9451 5001 | Toshkent sh. Yu.Rajabiy-1, O'zR Moliya vazirligi G'aznachiligi<br>H/r: 2340 2000 3001 0000 1010 |
| "ИПОТЕКА-БАНК" атиб мехнат филиали | MB Toshkent sh. BB XKKM MFO: 00014 INN: 201 122 919 |
| МФО: 00423 ИНН: 303815636<br>ОКЭД:74201 | |

Директор __________ С.Х.Хамдамов. Директор __________

SMART DESIGN

638

2

Лойиха ташкилотининг номи - **ООО «SMART DESIGN»**

Заказчик ташкилотининг номи - ИИВ М воМТТД

| № пп | Бинонинг номи, тузилиши ва иш тури | Қўлланиладиган ставканинг асосланиши | Харажатларни ҳисоблаш минг сўмни ташкил етади |
|---|---|---|---|
| 1. | Объектнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш: **«Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасарруфида бўлган Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Ю.Хос.Хожиб кўчаси 31а- уйда жойлашган Жамоат хавфсизлиги департаменти биносини капитал таъмирлаш»**<br><br>Тахминий харажат<br>9 345 078 500 | Положение о порядке определения стоимости ПИР на строительство объектов в договорных текущих ценах (Постановление «Госархитекстроя» №22 от 10.11.2008г. Прл. №4 (категория – IV) 3,5%; Понижающей коэф. 0,373 | 9 345 078 500<br>x 3,5% x 0,373=<br>122 000 000<br><br>Шартнома нархи:<br>122 000 000 |
| **ВСЕГО:** | | | **122 000 000** |

**Итого по смете: 122 000 000 (бир юз йигирма икки миллион) Сўм (ҚҚС билан).**

Лойиха ташкилоти раҳбари ______ Хамдамов С.Х

Лойиҳа бош муҳандиси ______ Хамдамов С.Х

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари Портали

Ўзбекистон
Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 7973-925e-e901-5920-3c27-8092-3484
Ҳужжат яратилинган сана: 2020-06-16
Ариза рақами: 19854724

Ҳужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "SMART DESIGN"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 303815636

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ**

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "SMART DESIGN" га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича II тоифадаги объектлар учун қуйидаги: Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи - Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш, фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 16-06-2020 йил

Лицензия рақами: АЛ-000865

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 303815636

Юридик шахснинг почта манзили: SH.RUSTAVELI KO`CHASI,12-UY

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ТУРСУНОВ АСКАР ШЕРАЛИЕВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

4014

[illegible]

[illegible] ([illegible]) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

[illegible]

[illegible]

"SMART DESIGN" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

[illegible]

"SMART DESIGN" MChJ

[illegible]

Tashkil etish (qayta tashkil etish, davlat ro'yxatidan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

23.02.2016 009114-11 ro'yxat raqami yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

[illegible]

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR): 30961[illegible]

[illegible]: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

[illegible]: Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 15-MAVZE, 14-UY,

Guvohnoma: Toshkent shahri, Uchtepa tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

[illegible]

Сканировано с CamScanner

"КЕЛИШИЛГАН"
Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари
А.Т. Хайдаров
"11" ноябрь 2022 йил

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
М ва МТТД бошлиғи
А.А. Абиджанов
"11" 11 2022 йил

## ИИВ тизимлари тасарруфидаги бино ва иншоотларида 2022 йил давомида ИИВнинг махсус фондидан амалга ошириладиган капитал таъмирлаш ишлари бўйича

## МАНЗИЛИЙ ДАСТУР

2022 йил 12 сентябрь кунидаги 3/2-11-655-сонли манзилий дастур ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

(минг сўм)

| № | Капитал таъмирлаш ишлари бажариладиган объектлар номи ва жойлашуви | Иш бошланиш ва тугалланиш йили | Объектнинг лойиҳа баҳоси | Объектнинг шартнома баҳоси | 01.01.2022 й ҳолатига молиялаш-тирилгиш | Капитал таъмирлаш ишлари тугалланмаган объектларнинг 01.01.2022 й. ҳолатига қолдиқ | 2022 йилга белгиланган прогноз суммаси | Капитал таъмирлаш ишлари тугалланмаган объектларнинг 01.01.2023 й. ҳолатига қолдиқ (5 %) | Лойиҳани экспертизадан ўтказилганлиги (экспертиза хулосасининг сони ва санаси) | Пудратчи ташкилот | Тендер савдолари ўтказилганлиги (сони ва санаси) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| | **Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ** | | **23 318 429,0** | **21 620 425,7** | **6 257 700,1** | **11 903 225,6** | **15 063 066,0** | **799 659,6** | | | |
| 1 | Элликқалъа тумани ИИБ | 2022 | 1 348 004,5 | 1 347 500,0 | 0,0 | 0,0 | 1 280 125,0 | 67 375,0 | № 322-22 12.05.2022 й | "ISLAMBAY REIMOV" МЧЖ | №141151 03.09.2022й |
| 2 | Қораўзак тумани ИИБ 2-этап | 2022 | 1 142 930,8 | 1 142 500,0 | 0,0 | 0,0 | 1 085 375,0 | 57 125,0 | № 320-22 12.05.2022 й | "QARAQUM-ABBAZ" ХК | №141725 03.09.2022й |
| 3 | ИИВ ВЕИХЁКМ | 2022 | 970 016,7 | 969 500,0 | 0,0 | 0,0 | 921 025,0 | 48 475,0 | № 306-22 06.04.2022 й | "SERVIS" МЧЖ | №141656 03.09.2022й |
| 4 | ИИВ биноси | 2021-2022 | 11 345 240,5 | 10 095 720,0 | 1 943 057,9 | 8 152 662,1 | 7 647 876,1 | 504 786,0 | №5739 09.04.2021й | "RAMZAN GROUP" MCHJ | № 3816 04.08.2021й |
| 5 | Тахтакўпир тумани ИИБ | 2021-2022 | 1 166 027,3 | 1 163 740,3 | 758 353,8 | 405 386,5 | 405 386,5 | 0,0 | №42-20 23.12.2020й | "EXSPERT STORY TRANS" МЧЖ | № 79 30.04.2021й |
| 6 | Турткул тумани ИИБ | 2021 | 1 224 723,1 | 1 102 250,8 | 1 047 138,0 | 55 112,8 | 55 112,8 | 0,0 | № 79-21 12.05.2021й | "ШУРАХОНҚУРИЛИШМОНТАЖ" МЧЖ | № 3819 04.08.2021й |
| 7 | Қораўзак тумани ИИБ | 2021-2022 | 1 287 801,5 | 1 211 365,8 | 1 028 354,3 | 183 011,5 | 183 011,5 | 0,0 | № 36-20 18.12.2020й | "RIVER TRADE" МЧЖ | № 57 03.05.2021й |
| 8 | Қорақалпоғистон Академик лицейи ўқув биноси | 2021-2022 | 2 679 075,7 | 2 437 966,9 | 565 075,0 | 1 872 891,9 | 1 750 993,3 | 121 898,6 | № 37-20 23.12.2020й | "НОКИС ИСКГР" МЧЖ | № 3839 04.08.2021й |
| 9 | Қорақалпоғистон Академик лицейи гиштли девор | 2021-2022 | 958 979,5 | 954 925,7 | 486 477,7 | 468 448,0 | 468 448,0 | 0,0 | № 41-20 23.12.2020й | "EXSPERT STORY TRANS" МЧЖ | № 56 30.04.2021й |
| 10 | Бўзатов тумани ИИБ биноси 2-этап | 2021-2022 | 1 195 629,4 | 1 194 956,2 | 429 243,4 | 765 712,8 | 765 712,8 | 0,0 | № 40-20 23.12.2020й | "НУКУС ТУРАН ҚУРИЛИШ" МЧЖ | № 55 30.04.2021й |
| | Буюртмачи харажатлари | | | | | | 500 000,0 | | | | |
| | **Андижон вилояти ИИБ** | | **11 308 162,1** | **11 308 162,1** | **6 993 044,1** | **4 315 118,0** | **4 014 710,0** | **565 408,0** | | | |
| 1 | Вилоят ИИБ бино ва иншоотлари | 2021-2022 | 11 308 162,1 | 11 308 162,1 | 6 993 044,1 | 4 315 118,0 | 3 749 710,0 | 565 408,0 | №121-05/2021 11.05.2021й №14-07/22-01 14.07.2022й | УК "Бунёдкор Калкон Курилиш" | № 31 10.07.2021й |
| | Буюртмачи харажатлари | | | | | | 265 000,0 | | | | |
| | **Бухоро вилояти ИИБ** | | **5 529 702,5** | **4 722 024,5** | **3 263 233,4** | **1 458 791,1** | **1 550 361,0** | **0,0** | | | |
| 1 | Вилоят ИИБ ЖҚБ биноси | 2021-2022 | 1 097 823,3 | 968 815,6 | 775 052,5 | 193 763,1 | 193 763,1 | 0,0 | №487/20СД2 11.12.2020й | "NEW STAR ROAD CONSTRUCTION" МЧЖ | №1854 01.06.2021й |
| 2 | Жондор тумани ИИБ | 2021-2022 | 1 885 758,6 | 1 511 750,9 | 1 000 000,0 | 511 750,9 | 511 750,9 | 0,0 | №497/20 СД-2 14.12.2020й | "KELAJAK INVEST" МЧЖ | №1905 07.06.2021й |
| 3 | Вобкент тумани ИИБ | 2021-2022 | 1 568 331,6 | 1 362 200,1 | 766 600,0 | 595 600,1 | 595 600,0 | 0,0 | №498/20 СД-2 14.12.2020й | "QARAXONI MUKAMMAL QURILISH" ИТК МЧЖ | №1904 05.06.2021й |
| 4 | Вобкент тумани ИИБ М ва ФРБ | 2021-2022 | 977 789,0 | 879 258,0 | 721 580,9 | 157 677,1 | 157 677,0 | 0,0 | №498/20 СД-1 14.12.2020й | "QARAXONI MUKAMMAL QURILISH" ИТК МЧЖ | №1802 27.05.2021й |
| | Буюртмачи харажатлари | | | | | | 91 570,0 | | | | |
| | **Жиззах вилояти ИИБ** | | **15 278 326,8** | **14 612 454,1** | **8 995 740,6** | **5 616 713,5** | **5 716 713,0** | **0,0** | | | |
| 1 | Жиззах Академик лицей Ўқув биноси | 2021-2022 | 4 180 294,2 | 4 171 037,6 | 735 359,5 | 3 435 678,1 | 3 435 678,1 | 0,0 | № 04/15 24.04.2021й | EGAMQUL-ELDOR QURULISH SERVIS | № 4231 27.08.2021й |
| 2 | Зомин тумани ёзги болалар соғломлаштириш оромгохи тўсиқ девор ва ободонлаштириш | 2021-2022 | 3 829 385,6 | 3 621 487,6 | 1 781 446,3 | 1 840 041,3 | 1 840 041,3 | 0,0 | № 03/36 10.03.2021й | "МЕРОС КТХБ" | № 3492 16.07.2021й |
| 3 | Пахтакор тумани ИИБ асосий ва ошхона биноси | 2021 | 1 459 256,8 | 1 313 331,1 | 1 247 665,0 | 65 666,1 | 65 666,1 | 0,0 | № 03/05 02.03.2021й | "EGAMQUL-ELDOR QURULISH SERVIS" | № 3199 02.07.2021й |
| 4 | Дўстлик тумани ИИБ асосий назорат ўтиш биноси | 2021 | 1 464 751,2 | 1 318 276,1 | 1 252 363,0 | 65 913,1 | 65 913,1 | 0,0 | № 03/06 02.03.2021й | "KOMOLJON ZIYOKOR" МЧЖ | № 3197 02.07.2021й |
| 5 | Ғаллаорол тумани ИИБ асосий ва назорат ўтиш биноси | 2021 | 1 462 519,0 | 1 316 561,6 | 1 250 734,0 | 65 827,6 | 65 827,6 | 0,0 | № 03/07 02.03.2021й | "EGAMQUL-ELDOR QURULISH SERVIS" | № 3133 02.07.2021й |

